

**ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ВА ЭНТОМОФАГЛАРИНИНГ  
РИВОЖЛАНИШИ**

**Утепбергенов Адилбай Реймбаевич**

*Қорақалпогистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент*

**Шамшетова Айсулыў Муратбай қизи**

*Қорақалпогистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти докторанти*

**Аннотация:** Мақолада Қорақалпогистон шароитида иссиқхоналарда бодринг экинида зарар келтирадиган говак ҳосил қилувчи пашша қуртлари ва полиз ширасининг ривожланиши хусусиятлари тўғрисида, уларнинг ўсимлик баргидаги сони ва кўпайиши, зараркунандаларнинг бодринг баргига зарар келтириши, келтирадиган зарарининг ўсимлик баргларидаги белгилари, уларнинг энтомофагларининг тур маркиби, имагоси, тухуми ва қуртларининг ривожланиши, шунингдек уларнинг ўсимликдаги ўртача зичлиги ҳақида маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** говак, стация, сурувчи, имаго, тухим, қурт, барги мезофили, фотосинтез.

**Аннотация:** В статье представлена информация о характеристиках развития минеров и бахчевой тли, которые повреждают посадки огурцов в теплицах в условиях Каракалпакстана. Обсуждаются численность и размножение этих вредителей на листьях растений, нанесённый ими ущерб листьям огурцов, признаки повреждения на листьях растений, видовой состав их энтомофагов, а также развитие имаго, яиц и личинок. Кроме того, в статье представлены данные о средней плотности этих вредителей на растениях.

**Ключевые слова:** минёр, стация, сосущий, взрослые особи, яйцо, личинка, листь, мезофил, фотосинтез.

**Abstract:** The article provides information about the development characteristics of leaf miner flies and melon aphids, which damage cucumber crops in greenhouses under the conditions of Karakalpakstan. It discusses the number and reproduction of these pests on plant leaves, the damage caused by pests to cucumber leaves, the signs of damage on plant leaves, the species composition of their entomophages, as well as the development of their imagos, eggs, and larvae. Additionally, the article presents data on the average density of these pests on plants.

**Keywords:** miner, station, sucking, imago, egg, larva, leaf, mesophyll, photosynthesis.

### **Кириш**

Кейинги йилларда Республикаизда аҳолини қиши ва эрта баҳорда сабзавот экинлари маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида бир неча иссиқхоналар ташкиллаштирилган бўлиб, помидор ва бодринг экинлари экилиб, мўл ҳосил етиштирилмоқда. Лекин ўсимликнинг ўсиш даврида зааркундаларнинг келтирадиган зарари сабабли ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлади. Қорақалпоғистон шароитида иссиқхона экинларида аққонат, полиз ва беда ширалари, ўргимчаккана, кузги тунлам, ғўза тунлами ва ғовак ҳосил қилувчи пашша зааркундаларининг ривожланиб, ўсимликнинг ҳар хил бўлимларига зарар келтиради ва зааркундалар билан бирга уларнинг энтомофаглари ҳам учрайди. Улардан: олтинкўз ва хонқизи йиртқичлари, паразитлардан энкарзияни қаид этиш мумкин [2].

**Тажриба обекти ва услубияти.** Иссиқхоналарда бодринг ўсимлиги, зааркундалардан: полиз шираси ва ғовак ҳосил қилувчи пашша қуртлари, энтомофаглардан: хон қизи қўн ғизи ва қуртлари билан олтинкўз йиртқичи тажрибанинг асосий обекти ҳисобланади.

Тажриба ишларини олиб боришда зааркунанда ва уларнинг энтомофагларининг ўсимликдаги зичлиги аниқлаш Ф.М.Успенскийнинг [3] экинларда зааркунанда сонини ҳисобга олиш услуби асосида, дала шароитида энтомофагларнинг ҳисобини олиш усуслари В.А.Шапиро, В.А.Шепетельниковаларнинг [1] услубидан фойдаланилди.

**Тажриба натижалари ва уларнинг муҳокамаси.** 2024 йил апрел

ойидан бошлаб химояланган жойларда экилиб, етишириладиган бодринг экинида учрайдиган зааркунандаларнинг ва энтомофагларнинг тур таркибини, уларнинг ўсимликдаги зичлигини ҳамда келтирадиган заарини аниқлаш мақсадида назорат ишлари олиб борилди.

Иссиқхона экинларида зааркунандаларнинг тур таркибини аниқлаш учун бодринг экинида ҳар куни назорат ишлари олиб борилиб, натижада зааркунандаларнинг тур таркиби аниқланди. Бодринг экинларида май ойининг биринчи ўн кунлигига биринчи бўлиб ғовакловчи пашша қуртларининг пайдо бўлганлиги, яъни зааркунанданинг қуртлари иссиқхонадаги бодринг ўсимлиги барглари юзаси ичida озиқланиши натижасида йингичка нақишли йўлчалар солиб заар келтириши ҳисобга олинди.

Тажрибамиизда бодринг экинида ҳам май ойидан бошлаб полиз шираси ва ғовакловчи пашша қуртларининг пайдо бўлиб заар келтира бошлади (1-2 расмлар).



Расм-1. Бодринг баргларида полиз ширасининг ривожланиши



Расм-2. Бодринг баргларида говак ҳосил қилувчи паша қуртларининг ривожланиши

Иссиқхоналардаги бодринг ўсимлигига назорат ишлари олиб борилганда полиз ширасининг зарар бериш даражаси юқори болганлиги аниқланди. Бодринг ўсимлигига полиз шираси 15-май санасинан бошлаб пайдо бўлиб июнь-июль-ойларда зарар келтириш даражаси юқори болганлиги аниқланди ва заарлинган ўсимлик нобуд болди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

Иссиқхоналарда бодринг экинининг гуллаш4-5 чинбарг даврида учрайдиган зааркунандаларнинг турлари

№	Зааркунанда тури	Зааркунанданинг ўртача 1 баргдаги сони, дона	Зааркунанданинг ўртача 1 ўсимликдаги сони, дона
1	Полиз шираси	22	86
2	Ғовак ҳосил қилувчи паша қуртлари	4	15

1-жадвалдан қўриниб турганидек полиз ширасининг ўртача 1 баргдаги сони 22 донани ташкил қилиб, бу эса 1 ўсимликга 86 донадан тўғри келди. Ғовак ҳосил қилувчи паша қуртларининг сони ўртача 1 баргда 4 донадан ривжланиб, 1 ўсимликда 15 дона қуртларининг бор эканлиги аниқланди.

Иссиқхоналарда бодринг экинда ривожланадиган энтомофагларнинг турлари, ривожланиши назорат қилиб борилди. Натижада иссиқхона экинларида зааркунандалар билан бир каторда уларнинг энтомофагларининг тур таркиби аниқланди. Улардан шира тушган бодринг баргларида 7 нуқтали хонқизининг имаголари ва личинклари, олтинқўзининг ҳам имагоси, тухумлари ва личинкаларининг ривожланиши назоратга олинди (3-4- расмлар).



Расм-3. 7 нұқтали хонқизи имагосининг ширалар билан озиқланиши 3-расмда күриниб турғанидек, 3-май куни бодринг ўсимлиги баргларида хонқизи қўнғизи полиз ширасининг личинка ва имаголари билан озиқланадиганлиги аниқланди. Уларнинг сони ўртача 10 ўсимликда 2 донани ташкил қилди. Лекин ханқизининг урғочи қўнғизлари қўйган тухумлардан личинкалари чиқиб, уларнинг сони кўпайиши кутилмоқда.



Расм – 4. Бодринг баргларида олтинкўзниң тухуми ва личинкаси

4-расмда бодринг ўсимлиги баргларида олтинкўз йиртқичи капалаклари томонидан қўйилган тухумлари ва тухумдан чиқган қуртлари ҳисобга олинди.

Иссиқхона шароитида зааркунандалар билан бир агроценозда биргаликда ривожланадиган энтомофагларнинг турлари келтирилган. Унга кўра бодринг экинида ширалар билан озиқланувчи хон қизининг қўнғизлари, тухумлари ва личинкалари, олтинкўзниң капалаклари, тухумлари ва личинкаларининг учраши назоратга олинди. Уларнинг сони июн ойида ўртача 1 ўсимликда 0,25 дона хон қизи ва 0,3 дона олтинкўз личинкалари аниқланди (2-жадвал).

Иссиқхоналарда бодринг экини зараркунандаларининг  
энтомофагларининг турлари

№	Энтомофаг тури	Энтомофагнинг озиқланувчи давридаги сони, дона	Энтомофагнин ўртача 1 ўсимликдаги сони, дона
1	Хон қизи	қўнғизлари ва личинкалари	0,25
2	Олтинкўз	личинкалари	0,3

### **Хулоса**

1. Қорақалпогистон шароитида иссиқхоналарда бодринг экинида зараркунандалардан полиз шираси ва ғовак ҳосил қилувчи пашша қуртлари зарар келтиради.

2. Бодринг экинида полиз ширасининг сони ўртача 1 ўсимликда 86 дона, ғовак ҳосил қилувчи пашша қуртлари ўртача 1 ўсимликда 15 донани ташкил қилди.

3. Иссиқхоналарда энтомофаглардан хонқизи ўртача 1 ўсимликда 0,25 дона ва олтинкўз ўртача 1 ўсимликда 0,3 донани ташкил қилди.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Методические указания по выявлению и учеты численности энтомофагов вредителей сельскохозяйственных культур – сост: В.А. Шапиро, В.А. Шепетилникова М: Колос, 1976.- 16 с.
2. Торениязов Е.Ш., Утепбергенов А., Кутлымуратов А. ва бошқ.- Қорақалпогистон агробиоценози ҳашаротлар дунёси (ўқув қўлланма).- Нукус: Қорақалпогистон, 2013.-Б.73-85.
3. Успенский Ф.М. Определение численности вредителей.-Т.: 1973.